

ОХИРАТ КУНИГА ИЙМОН КЕЛТИРИШ

“Мухтасар ақида” китобидан иқтибос

[Ўзбекча – Uzbek – الأوزبكي]



**Шайх Аҳмад ибн Абдуррахмон
Ал-Қозий**



Мутаржим: Абу Жаъфар Бухорий

Муҳаррир: Абу Абдуллох Шоший

الإيمان باليوم الآخر

مقالة مقتبسة من كتاب "العقيدة الميسرة"

[Ўзбекча – Uzbek – الأوزبكي]



د. أحمد بن عبد الرحمن القاضي



ترجمة: أبو جعفر البخاري

مراجعة: أبو عبد الله الشاشي

ОХИРАТ КУНИГА ИЙМОН КЕЛТИРИШ

Охират кунига иймон келтириш — Аллоҳ таоло бандаларини қабрларидан чиқариб, қилган амалларига кўра сарҳисоб қилиб, ё жаннат ёки жаҳаннам билан тақдирлайдиган кун учун кечиктиришига қатъий эътиқод қилиш, демақдир.

Аллоҳ таоло айтди:

﴿ إِنَّمَا يُؤَخِّرُهُمْ لِيَوْمٍ تَشْخَصُ فِيهِ الْأَبْصَارُ ﴾

«**Фақат Аллоҳ уларни(нг жазоларини) кўзлар (дахшатдан) қотиб қоладиган (кўрқинчли Қиёмат) Кунига қолдирмоқда, холос**» (Иброҳим: 42);

﴿ زَعَمَ الَّذِينَ كَفَرُوا أَنْ لَنْ يُبْعَثُوا قُلْ بَلَىٰ وَرَبِّي لَتُبْعَثُنَّ ثُمَّ لَتُنَبَّؤُنَّ بِمَا

عَمَلْتُمْ وَذَٰلِكَ عَلَى اللَّهِ يَسِيرٌ ﴾

«**Кофир бўлган кимсалар ўзларининг ҳеч қачон қайта тирилмасликларини гумон-даъво қилдилар. (Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам, уларга) айтинг: «Йўқ! Парвардигоримга қасамки, албатта қайта тирилурсизлар, сўнгра албатта сизларга қилган амалларингизнинг хабари берилур. Бу Аллоҳга осондир»» (Тағобун: 7);**

﴿ وَيَوْمَ تَقُومُ السَّاعَةُ يُومِئِدِ يَتَفَرَّقُونَ . فَأَمَّا الَّذِينَ آمَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ فَهُمْ فِي رَوْضَةٍ يُحْبَرُونَ . وَأَمَّا الَّذِينَ كَفَرُوا وَكَذَّبُوا بِآيَاتِنَا وَلِقَاءِ الْآخِرَةِ فَأُولَئِكَ فِي الْعَذَابِ مُحْضَرُونَ ﴾

«(Қиёмат) соати қойим бўладиган кунда – ана ўша кунда (мўминлар билан кофирлар) бир-бирларидан ажралурлар. Энди иймон келтирган ва яхши амаллар қилган зотлар (жаннат) боғида шодланурлар. Аммо куфр йўлини тутган ва Бизнинг оятларимизни ҳамда охират мулоқотини ёлғон деган кимсалар — ана ўшалар (мангу) азобга дучор қилинурлар» (Рум: 14 - 16).

Охират кунига иймон келтириш ичига қуйидаги нарсалар киради:

Биринчи: ўлимдан сўнгра бўладиган: жон тавасасида фаришталарни кўриш, бандада икки фаришта тарафидан Роббиси, дини ва пайғамбари ҳақида сўроққа тутилган пайтида ҳосил бўладиган қабр фитнаси, барзах ҳаётидаги қабр азоби ва неъматлари.

Аллоҳ таоло айтди:

﴿ وَلَوْ تَرَى إِذِ يَتَوَفَّى الَّذِينَ كَفَرُوا الْمَلَائِكَةُ يَضْرِبُونَ وُجُوهَهُمْ وَأَذْبَارَهُمْ وَذُوقُوا عَذَابَ الْحَرِيقِ ﴾

«Агар фаришталар кофир кимсаларнинг юз ва кетларига уриб жонларини олаётган ва: «Дўзах азобини тотингиз! ...», — деяётган пайтини кўрсангиз эди» (Анфол: 50);

﴿ إِنَّ الَّذِينَ قَالُوا رَبُّنَا اللَّهُ ثُمَّ اسْتَقَامُوا تَتَنَزَّلُ عَلَيْهِمُ الْمَلَائِكَةُ أَلَّا تَتَخَفُوا
وَلَا تَحْزَنُوا وَأَبْشِرُوا بِالْجَنَّةِ الَّتِي كُنتُمْ تُوعَدُونَ ﴾

«Албатта: «Парвардигоримиз Аллохдир», деб, сўнгра (ёлғиз Аллохга тоат-ибодат қилишда) тўғри — устивор бўлган зотларнинг олдиларига (ўлим пайтида) фаришталар тушиб, (дерлар): «Қўркманглар ва ғамгин бўлманглар. Сизларга ваъда қилинган жаннат хушxabари билан шодланинглар!» (Фуссилат: 30);

﴿ وَحَاقَ بِآلِ فِرْعَوْنَ سُوءُ الْعَذَابِ. النَّارُ يُعْرَضُونَ عَلَيْهَا غُدُوًّا وَعَشِيًّا
وَيَوْمَ تَقُومُ السَّاعَةُ أَدْخِلُوا آلَ فِرْعَوْنَ أَشَدَّ الْعَذَابِ ﴾

«... ва Фиръавн хонадонини ёмон азоб ўраб олди. (у азоб бир) оловдирки, улар эртаю кеч ўшанга кўндаланг қилиниб (куйдирилурлар). (Қиёмат) Соати қойим бўладиган Кунда эса (дўзах фаришталарига): «Фиръавн хонадонини энг қаттиқ азобга киритинглар», (дейилур)» (Ғофир: 46).

Иккинчи: Қиёмат ва унинг аломатларига иймон келтириш.

Аллоҳ таоло айтди:

﴿ وَمَا يُدْرِيكَ لَعَلَّ السَّاعَةَ قَرِيبٌ. يَسْتَعْجِلُ بِهَا الَّذِينَ لَا يُؤْمِنُونَ بِهَا
وَالَّذِينَ آمَنُوا مُشْفِقُونَ مِنْهَا وَيَعْلَمُونَ أَنَّهَا الْحَقُّ أَلَا إِنَّ الَّذِينَ يُمَارُونَ
فِي السَّاعَةِ لَفِي ضَلَالٍ بَعِيدٍ ﴾

«Қаердан билурсиз, эҳтимол (Қиёмат) Соати яқиндир. (Қиёматга) иймон келтирмайдиган кимсалар уни шоштирурлар. Иймон келтирган зотлар эса ундан қўркувчидирлар. Улар (Қиёматнинг) ҳақ эканлигини билурлар. Огоҳ бўлингизким, (Қиёмат) Соати хусусида талашиб-тортишадиган кимсалар (Ҳақ йўлдан) йироқ залолатдадирлар» (Шўро: 17, 18);

﴿ فَهَلْ يَنْظُرُونَ إِلَّا السَّاعَةَ أَنْ تَأْتِيَهُمْ بَغْتَةً فَقَدْ جَاءَ أَشْرَاطُهَا ﴾

«Улар (Макка кофирлари ўтмишдаги ўз пайғамбарларини ёлғончи қилган қавмлар дучор бўлган ҳалокатлардан эслатма-ибрат олмадилар), энди фақат тўсатдан (Қиёмат) Соати келиб қолишинигина кутмоқдалар. Дарвоқе унинг аломатлари келди» (Муҳаммад: 18).

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салламнинг куйидаги ҳадислари Қиёматнинг катта аломатларидан баъзиларига далолат қилади. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам: «У (Қиёмат), сизлар ўнта аломат содир бўлганини кўрмай туриб қоим бўлмайди» — дедилар-да: «Тутун, Дажжол, Жонивор, куёшнинг мағрибдан балқиси, Ийсо ибн Марямнинг нозил бўлиши, Яъжуж ва Маъжужлар, уч марта: Машрикда, Мағрибда ва Араб ярим оролида ер ютиши, буларнинг энг охиргиси Ямандан одамларни маҳшарларига қувалаб борадиган оловнинг чиқиши», — дедилар (Имом Муслим ривояти).

Қиёмат кутилмаганда, зудлик билан қоим бўлади. Аллоҳ таоло айтди:

﴿يَسْأَلُونَكَ عَنِ السَّاعَةِ أَيَّانَ مُرْسَاهَا قُلْ إِنَّمَا عِلْمُهَا عِنْدَ رَبِّي لَا يُجَلِّيهَا
لَوْفَتِهَا إِلَّا هُوَ ثَقُلَتْ فِي السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ لَا تَأْتِيكُمُ إِلَّا بَغْتَةً
يَسْأَلُونَكَ كَأَنَّكَ خَفِيٌّ عَنْهَا قُلْ إِنَّمَا عِلْمُهَا عِنْدَ اللَّهِ وَلَكِنَّ أَكْثَرَ النَّاسِ لَا
يَعْلَمُونَ﴾

«(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), сиздан Соат (яъни Қиёмат) қачон воқе бўлади, деб сўрайдилар. Айтинг: «Унинг билими фақатгина Парвардигорим даргоҳидадир. Вақти-соати келганида ҳам фақат Ўзи ошкор қилур. У (яъни Қиёмат) самовот ва Ер учун жуда оғир (дахшатли) бир ишдир. У сизларга фақат тўсатдан — кутилмаганда келур». Гўё сиз у ҳақда яхши биладигандек сўрайдилар. Айтинг: «Унинг билими фақатгина Аллоҳ даргоҳидадир. Лекин жуда кўп одамлар уни билмайдилар»» (Аъроф: 187);

﴿وَمَا أَمْرُ السَّاعَةِ إِلَّا كَلَمْحِ الْبَصَرِ أَوْ هُوَ أَقْرَبُ﴾

«Соат — Қиёмат амри (яъни, Қиёматнинг қойим бўлиши) кўз очиб юмгунча ё ундан-да тездир» (Наҳл: 77).

Қиёматнинг қоим бўлиши ўлдирувчи пуфлаш билан бошлайди. Аллоҳ таоло айтди:

﴿وَنُفِخَ فِي الصُّورِ فَصَعَقَ مَنْ فِي السَّمَوَاتِ وَمَنْ فِي الْأَرْضِ إِلَّا مَنْ

شَاءَ اللَّهُ﴾

«Сур чалинди-ю, осмонлар ва ердаги бор жонзот ўлди, магар Аллоҳ хоҳлаган зотларгина (тирик колдилар)» (Зумар: 68).

Учинчи: Қайта тирилишга ишониш.

Қайта тирилиш — Аллоҳ таолонинг сурни иккинчи марта чалинганидан сўнгра бандаларни қабрларидан тирилтириб, ялангоёқ, яланғоч ва хатна қилинмаган (бус-бутун) ҳолатларида чиқаришидир. Аллоҳ таоло айтди:

﴿ثُمَّ نُفِخَ فِيهِ أُخْرَىٰ فَإِذَا هُمْ قِيَامٌ يَنْظُرُونَ﴾

«Сўнгра у иккинчи бор чалинди-да, баногоҳ улар (яъни барча халойиқ қайта тирилиб, қабрларидан) **туриб**, (Аллоҳнинг амрига) **кўз тугарлар**» (Зумар: 68);

﴿وَنُفِخَ فِي الصُّورِ فَإِذَا هُمْ مِنَ الْأَجْدَاثِ إِلَىٰ رَبِّهِمْ يَنْسِلُونَ﴾

«(Қиёмат соати келиб фаришта Исрофилнинг) **сури чалиниши билан баногоҳ улар қабрларидан Парвардигорлари ҳузурига** (ҳисоб-китоб учун) **суғурилиб чиқурлар**» (Ёсин: 51).

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам эса: «Одамлар Қиёмат кунида ялангоёқ, яланғоч ва хатна қилинмаган — бус-бутун ҳолатларида қайта тирилтириладилар», — деганлар (Имом Муслим ривояти).

Тўртинчи: Катта Қиёматга иймон келтириш.

Катта Қиёмат одамларнинг Қиёмат майдонида кўрқинчли ва маҳобатли ҳолатда Аллоҳ таолони кутиб

узоқ туришлари, хитоб қилган Аллоҳнинг сўзларини эшитишлари, кўзлар ҳайрати, қуёшнинг яқин келиши, одамларнинг терларига ғарқ бўлишлари, ҳовузни олиб келиниши, амал номаларини тарқатилиши, тарози ва Сиротнинг қурилишидир.

Бешинчи: сарҳисобга ишониш.

Аллоҳ таоло айтди:

﴿ إِنَّ إِلَيْنَا إِيَابُهُمْ . ثُمَّ إِنَّ عَلَيْنَا حِسَابَهُمْ ﴾

«Зеро ёлғиз Ўзимизга қайтишлари бордир! Сўнгра уларни ҳисоб-китоб қилиш (жазо бериш) ҳам ёлғиз Бизнинг зиммамиздадир!» (Ғошия: 25, 26);

﴿ فَأَمَّا مَنْ أُوْتِيَ كِتَابَهُ بِيَمِينِهِ . فَسَوْفَ يُحَاسَبُ حِسَابًا يَسِيرًا ﴾

«Ана энди кимнинг номаи аъмоли ўнг томонидан берилса. Бас, у осон ҳисоб билан ҳисоб-китоб қилинажак» (Иншиқоқ: 7, 8);

﴿ فَمَنْ يَعْمَلْ مِثْقَالَ ذَرَّةٍ خَيْرًا يَرَهُ . وَمَنْ يَعْمَلْ مِثْقَالَ ذَرَّةٍ شَرًّا يَرَهُ ﴾

«Бас, ким (хаёти-дунёдалик пайтида) зарра мисқоличалик яхшилик қилса (Қиёмат Кунида) ўшани кўрур. Ким зарра мисқоличалик ёмонлик қилса уни ҳам кўрур!» (Залзала: 7, 8);

﴿ وَنَضَعُ الْمَوَازِينَ الْقِسْطَ لِيَوْمِ الْقِيَامَةِ فَلَا تُظْلَمُ نَفْسٌ شَيْئًا وَإِنْ كَانَ

مِثْقَالَ حَبَّةٍ مِنْ خَرْدَلٍ أَتَيْنَا بِهَا وَكَفَى بِنَا حَاسِبِينَ ﴾

«Биз Қиёмат куни учун адолатли мезон-тарозилар кўюрмиз, бас, бирон жонга заррача зулм қилинмас. Агар хардал (ўсимлигининг) уруғидек (яхши ёки ёмон амал қилинган) бўлса, ўшани-да келтирурмиз! Биз Ўзимиз етарли ҳисоб-китоб қилгувчидирмиз» (Анбиё: 47).

Бандаларни сарҳисоб қилиш икки хилдир:

1 — Мўминларни сарҳисоб қилиш.

Мўминлар сарҳисоби ё қилинган амалларни кўрсатиш, ёки уларни нега қилингани ҳақида тафсилотли сўроқ билан бўлади.

Қилинган амалларни кўрсатиш, Аллоҳ таолонинг бахтиёр бандаларига тақдир қилган ҳасанотлар ифодаси бўлиб, бунга Абдуллоҳ ибн Умар разияллоху анҳумонинг ушбу ҳадиси далолат қилади: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «Аллоҳ таоло мўминни (ўзига) яқинлаштириб, пардалайди ва: Фалон ва фалон гуноҳингни танидингми?, — деб сўрайди. Банда: Ҳа, Роббим! — деб жавоб беради. Аллоҳ унга барча гуноҳларини эътироф эттиради ва банда ўзининг ҳалокатга учраганини ҳис қилади. (Шунда Аллоҳ таоло): Мен сени дунё (хаёти)да пардалаган эдим. Бугун эса уларни сен учун мағфират қилдим, — дейди-да, унга ҳасанотлар номасини беради» (Мутта-факун алайх).

Тафсилотли сўроқ эса, Аллоҳ таоло гуноҳлари туфайли азоблашни, сўнгра, жаннатга киришларини хоҳлаган муваҳҳид, бироқ катта гуноҳларни қилган мўминлар учундир. Бунга Оиша разияллоху анҳо ривоят қилган ҳадис далолат қилади: Расулуллоҳ

соллаллоху алайхи ва саллам: «Сарҳисоб қилинган одам ҳалок бўлади!» дедилар. Мен: Ё Расулulloҳ, Аллоҳ таоло:

﴿ فَأَمَّا مَنْ أُوْتِيَ كِتَابَهُ بِيَمِينِهِ . فَسَوْفَ يُحَاسَبُ حِسَابًا يَسِيرًا ﴾

«Ана энди кимнинг номаи аъмоли ўнг томонидан берилса. Бас, у осон ҳисоб билан ҳисоб-китоб қилинажак» (Иншиқоқ: 7, 8) демаганмиди?!, — деб савол берсам: «У — фатқатгина бир кўрсатиш, холос. Қиёмат кунида бирон кишини тафсилотли сарҳисоб қилинса, азобланади», — дедилар (Муттафақун алайх).

2 — Кофирларни сарҳисоб қилиш.

Кофирларнинг қилган савоб ва гуноҳлари муқояса қилинмайди. Чунки, уларнинг савоблари йўқдир. Улар кўрсатилган ёмонликларига иқрор бўладилар. Юқорида зикр қилинган Абдуллоҳ ибн Умар разияллоху анху ривоят қилган ҳадисда шундай дейилган: «Халойик ўртасида кофирлар чақирилади ва: Булар — Роббиларини рад этганлар! Огоҳ бўлингларким, Аллоҳнинг лаънати золимларгадир!» (Муттафақун алайх).

Олтинчи: тақдирлаш ва жазолашга ишониш.

Тақдирлаш ва жазога ишониш «жаннат ҳам, жаҳаннам ҳам ҳақиқатдир!» дея ишониш, демақдир.

Жаннат — Аллоҳ таоло тақводор бандалари учун тайёрлаган ва ичида анвойи турдаги кўз кўрмаган, кулоқ эшитмаган ва одамзот хаёлига келмаган ҳиссий ва маънавий неъматлар мавжуд бўлган диёрдир.

Жаҳаннам — Аллоҳ таоло кофирлар учун тайёрлаб қўйган ва худди ўшандай анвойи турдаги ҳиссий ва маънавий азоблар мавжуд бўлган диёрдир.

Аллоҳ таоло айтди:

﴿ تُمْ أَوْرَثْنَا الْكِتَابَ الَّذِينَ اضْطَفَيْنَا مِنْ عِبَادِنَا فَمِنْهُمْ ظَالِمٌ لِنَفْسِهِ وَمِنْهُمْ مُقْتَصِدٌ وَمِنْهُمْ سَابِقٌ بِالْخَيْرَاتِ بإِذْنِ اللَّهِ ذَلِكَ هُوَ الْفَضْلُ الْكَبِيرُ. جَنَّاتٍ عَدْنٍ يَدْخُلُونَهَا يُحَلَّوْنَ فِيهَا مِنْ أَسَاوِرٍ مِنْ ذَهَبٍ وَلُؤْلُؤًا وَلِبَاسُهُمْ فِيهَا حَرِيرٌ. وَقَالُوا الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي أَذْهَبَ عَنَّا الْحَزْنَ إِنَّ رَبَّنَا لَغَفُورٌ شَكُورٌ. الَّذِي أَحَلَّنَا دَارَ الْمَقَامَةِ مِنْ فَضْلِهِ لَا يَمَسُّنَا فِيهَا نُصَبٌ وَلَا يَمَسُّنَا فِيهَا لُغُوبٌ. وَالَّذِينَ كَفَرُوا لَهُمْ نَارُ جَهَنَّمَ لَا يُقْضَىٰ عَلَيْهِمْ فِيمَوْتُوا وَلَا يُخَفَّفُ عَنْهُمْ مِنْ عَذَابِهَا كَذَلِكَ نَجْزِي كُلَّ كَفُورٍ. وَهُمْ يَصْطَرِحُونَ فِيهَا رَبَّنَا أَخْرِجْنَا نَعْمَلْ صَالِحًا غَيْرَ الَّذِي كُنَّا نَعْمَلُ أَوَلَمْ نُعَمِّرْكُم مَّا يَتَذَكَّرُ فِيهِ مَنْ تَذَكَّرَ وَجَاءَكُمُ النَّذِيرُ فَذُوقُوا فَمَا لِلظَّالِمِينَ مِنْ نَصِيرٍ ﴾

«Сўнгра Биз бу Китобга бандаларимиздан Ўзимиз танлаган зотларни (яъни сизнинг умматингизни) ворис қилдик. Бас уларнинг орасида (Қуръонни ўқиса-да, унга амал қилмайдиган) ўз жонига жабр қилгувчи ҳам бор, уларнинг орасида ўртача амал қилгувчи ҳам бор ва уларнинг орасида Аллоҳнинг изну иродаси билан мудом яхшилик-

ларга шошилгувчи ҳам бордир. Ана ўша (яъни Қуръонга ворис бўлиш Аллоҳнинг) катта марҳаматидир. Улар олтидан бўлган билакузуклар ва марварид-маржонлар билан безанган ҳолларида мангу (турадиган) жаннатларга кирурлар. У жойда уларнинг либослари ҳарир-ипак бўлур.

Ва улар (жаннатга кирган чоғларида) дедилар: «Бизлардан ғам-қайгуни кетказган зот — Аллоҳга ҳамду-сано бўлсин. Дарҳақиқат Парвардигоримиз мағфиратли ва ўта шуқр қилгувчидир. У Ўз фазлу-марҳамати билан бизларни мангу турадиган бир диёрга туширдик, бу жойда бизларга на машаққат етар ва на чарчоқ етар».

Кофир бўлган кимсалар учун эса жаҳаннам ўти бордирки, на уларга (иккинчи бор ўлиш) ҳукм қилиниб, ўла олурлар ва на улардан (жаҳаннам) азоби енгиллатилур. Биз ҳар бир кофирни мана шундай жазолармиз.

Улар у жойда: «Парвардигоро, бизларни (бу азобдан) чиқаргин, бизлар қилиб ўтган амалларимиздан бошқа яхши (амалларни) қилурмиз», деб дод-вой қилурлар. Ахир Биз сизларга эслатма оладиган киши эслатма олгудек узун умр бермаганмидик?! Сизларга огоҳлантиргурчи (пай-ғамбар) ҳам келган эди-ку! Бас энди азобларингизни тотаверинглар! Энди золим кимсалар учун бирон ёрдамчи бўлмас!» (Фотир: 32 - 37).

